Назарова Феруза Усмоновна,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Иқтисодиёт" факультети "Минтақавий иқтисодиёт" кафедраси таянч докторанти

ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

УДК: 332.1

НАЗАРОВА Ф.У. ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

Мақолада қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришнинг объектив сабаблари асослаб берилган, ушбу атамага бўлган назарий ёндашувлар ўрганилиб, хорижий мамлакатларда "қишлоқ ҳудудлари" атамасини аниқлаштирувчи мезонлар умумлаштирилган, уларнинг функциялари ёритиб берилган, Ўзбекистонда қишлоқ ҳудудлари ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар бир тизимга келтирилган.

Таянч иборалар: қишлоқ, қишлоқ ҳудудлари, қишлоқ жойлари, қишлоқ тумани, қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қишлоқ ҳудудлари типологияси.

НАЗАРОВА Ф.У. СОВРЕМЕННЫЕ КОНЦЕПЦИИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКИХ ТЕРРИТОРИЙ

В статье обоснована объективная необходимость устойчивого развития сельских территорий, на основе изучения теоретических подходов обобщены критерии, определяющие статус «сельских территорий» в зарубежных странах, освещены их функции, систематизированы факторы, влияющие на развитие сельских территорий Узбекистана.

Ключевые слова: село, сельские территории, сельские местности, сельские районы, социально-экономическое развитие сельских территорий, топология сельских территорий.

NAZAROVA F.U. MODERN CONCEPTS OF SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF RURAL TERRITORIES

In the article is substantiated the objective need for sustainable development of rural territories, based on a study of theoretical approaches, generalized the criteria that determine the status of «rural territories» in international practice, highlights their functions, systematized factors affecting the development of Uzbekistan's rural areas.

Key words: village, rural territories, rural areas, country side, socio-economic development of rural areas, topology of rural areas.

Кириш.

Қишлоқ ҳудудлари улкан иқтисодий, табиий, демографик, экологик ва илмий-маданий салоҳиятга эга бўлиб, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш, бу ерда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш республикамиз ҳукумати давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сон фармонида қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришга алоҳида урғу берилган[1]. Мамлакатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш қишлоқ ҳудудларини изчил ривожлантириш билан яқиндан боғлиқ.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришнинг долзарблиги қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

– бугунги кунда Ўзбекистонда қишлоқ ҳудудлари 260 та қишлоқ фуқаролар йиғини ва 11015 та қишлоқ аҳоли пунктларини ўз ичига қамраб олади[2]. Бу ҳудудларда мамлакат аҳолисининг қарийб ярми (16,8 миллион киши) истиқомат қилади. Яқин ва ўрта истиқболда бу улуш ўсиш тенденциясига эга бўлади. Бу, энг аввало, қишлоқ жойларда аҳоли туғилиш даражасининг шаҳарларга нисбатан юқорилиги ва ўлим даражасининг пастлиги билан изоҳланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, агар 2010-2019 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолиси 28001,4 миллион кишидан 33255,5 миллион кишигача ўсган бўлса, шаҳар аҳолиси бу даврда 16,5 фоизга, қишлоқ аҳолиси эса 21,2 фоизга ўсди[3]. 2010 йилда қишлоқларда ҳар минг кишига тўғри келадиган туғилиш даражаси 24,5 кишини, шаҳарларда 19,6 кишини ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 21,2 ва 25,5 кишига тенг бўлди. Айни вақтда ўлим даражаси шаҳарларда 5,1 дан 5,0 гача, қишлоқларда 4,8 дан 4,7 промиллягача пасайди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг 14 минтақасидан 10 тасида қишлоқ аҳолисининг улуши шаҳар аҳолисига нисбатан юқори. Қашқадарё (56,9 %), Сирдарё (57,3 %), Самарқанд (62.8 %), Бухоро (63 %), Сурхондарё (64,6 %) ва Хоразм (66,8 %) вилоятлари шулар жумласидандир[4];

– қишлоқ ҳудудларида туғилиш даражасининг юқорилиги (2019 йилда 25,5 промилле) меҳнат бозорига ҳар йили юз минглаб меҳнат ресурсларининг кириб келишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ жойларда ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлишига олиб келмоқда;

– қишлоқ ҳудудларида давлат хизматлари, транспорт ва ахборот-коммуникация алоқаларининг ривожланиш даражаси, аҳоли турмуш фаровонлиги кўрсаткичлари шаҳарларга нисбатан паст даражада сақланиб қолмоқда ва бошқалар.

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бу ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, узоқ давр мобайнида қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришнинг асосий мезони сифатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига устуворлик берилиши ҳамда ҳудудий эҳтиёжларни батафсил баҳолашга асосланган ва рақобат афзалликларини ҳисобга олган комплекс стратегия ва дастурларнинг мавжуд эмаслиги қишлоқ ҳудудларининг бир томонлама ривожланишига, ишлаб чиқариш кучларининг нооқилона жойлашишига, ижтимоий-маиший инфратузилманинг ривожланмай қолишига, табиий-иқтисодий, демографик салоҳиятдан тўлиқ фойдаланмасликка ва оқибатда қишлоқ жойларда аҳоли турмуш фаровонлиги кўрсаткичларининг шаҳар жойларга нисбатан сезиларли даражада орқада қолишига олиб келмоқда.

"Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг мувофиқлаштируви остида амалга оширилаётган қишлоқларни ривожлантириш дастурлари, асосан,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" ПФ-5853-сон фармони. - https://lex.uz/docs/4567334

[2] https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6548-demografiya

[3] https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6548-demografiya

[4] https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6548-demografiya

ҳудудий иқтисодий номутаносибликни бартараф этишга қаратилган бўлиб, йирик шаҳар марказлари фойдаси учун, қишлоқ аҳолисининг кичик бир қисми – фермерлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган бошқа тадбиркорлар сектори томонидан қўллаб-қувватланади, бироқ қишлоқ маҳаллалари четда қолмоқда"[1]. Шу муносабат билан қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласига кенгроқ қараш талаб этилади, чунки хорижий тажриба шундан далолат беради, фақат қишлоқ хўжалигининг ўсиши қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтириш учун етарли эмас. Шу сабабли қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш учун саъй-ҳаракатларни ноқишлоқ хўжалик даромадлари манбаларини барпо этиш ва кўпайтириш, бандлик даражасини ошириш, уй-жой шароитларини яхшилаш, қишлоқ ҳудудларининг табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва бошқаларга йўналтириш лозим.

Тадқиқот мақсади.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бўлган замонавий қарашлар ва бу соҳада хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибаларни ўрганиш асосида Ўзбекистонда қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсия ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида "қишлоқ ҳудудлари", "қишлоқ жойлари" атамаларининг моҳияти ва мезонларига нисбатан олимлар ҳамда экспертларнинг илмий қарашлари қиёсий таҳлил қилинди. Мақолада кузатув, абстракт-мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув, иқтисодий шарҳлаш усулларидан фойдаланилган.

Илмий моҳияти.

Қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришни таъминлашда унинг дастурий-услубий жиҳатлари муҳим роль ўйнайди. Бу эса энг аввало, қишлоқ ҳудудларининг мақомини белгилашни тақозо этади. Аммо бугунги кунда мамлакатимизда "қишлоқ ҳудуди" тушунчасининг моҳиятини ёритиб берувчи ягона қараш, унинг миқдорий ва сифат мезонлари ҳамда таснифлари шаклланмаган. Қишлоқ жойларини идентификациялашнинг аниқ кўрсаткичлари ҳам турлича талқин қилинади.

Хорижий манбаларни тадқиқ этиш натижалари шуни кўрсатадики, Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти (ИРҲТ)га аъзо мамлакатларида жойларнинг қишлоқ ҳудудлари мақомига мос келишини аниқлаштирувчи ёндашувлар ишлаб чиқилган. Бунда асосий эътибор аҳоли сони, зичлиги, аҳоли пунктларининг шаҳар марказларига нисбатан жойлашувига қаратилган.

Шуни эътиборга олиш лозимки, ҳар бир ҳудуднинг ривожланиши иккита бош тамойилга боғлиқ: функционал (ерлардан унинг ички, табиий хусусиятлари ва ресурс қийматига мос ҳолда фойдаланиш) ва позицияли (бошқа объектларга нисбатан ернинг ҳудудий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятий жойлашуви ҳисоби). Бу тамойиллар асосида ҳудудлар қишлоқ жойларига, юқори урбанизациялашган ёки саноат зоналарига ажратилади. Гоҳида инсон учун кириш ман этилган, хўжалик фаолияти юритиш тақиқланган, кам фойдаланиладиган, инсон оёғи етмаган ёки табиат қўриқхоналари ҳудудлари сифатида фойдаланиладиган ҳудудлар ҳам ажратилади[2].

Иқтисодий географияда "қишлоқ жойи йирик шаҳарлар атрофида ўзининг табиий шароитлари ва ресурслари, қишлоқ аҳолиси ҳамда ушбу ҳудудда асосий ишлаб чиқариш фондлари ва моддий маданиятнинг турли хил унсурларига эга бўлган аҳоли яшайдиган жой"[3] сифатида талқин этилади.

Хорижий тадқиқотчилар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, урбанизация ва шаҳар ҳаётига хос бўлган мезонлар қуйидагилардир: мулоқотнинг анонимлиги, меҳнат тақсимоти, ҳаёт тарзи дифференциацияси, муносабатларнинг шахссизланиши, мақомларнинг ажралиши.

Масалан, россиялик олимлар Т.И.Заславская ва Р.В.Ривкина шаҳарни қишлоқдан фарқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимини таклиф этадилар:

– аҳоли сони, унинг мувозанатлиги, аҳолининг табиий ва механик ҳаракати;

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" ПФ-5853-сон фармони. - https://lex.uz/docs/4567334

[2] Ломакин А.А. Стратегия устойчивого развития сельских территорий: на материалах Пензенской области: дис ... канд. экон. наук / А.А.Ломакин./ – Пенза, 2011. – 202 с.

[3] Ковалев С.А. Типология и районирование сельского расселения [Электрон. ресурс] / С.А.Ковалев. – Режим доступа: http://www.demoscope.ru/weekly/ 2006/0255/ aNºalit08.php

1-жадвал. Хорижий мамлакатларда қишлоқ ҳудудларини аниқлаштирувчи ёндашувлар[1]

Мамлакат	Фойдаланиладиган мезонлар
Канада	Аҳоли зичлиги 1 км. кв. да 400 кишидан кам бўлган ва аҳоли концентрацияси 1 минг кишидан кам бўлган аҳоли пунктлари ҳудудлари
Дания	Яшовчилар сони 200 кишидан кам бўлган аҳоли пунктлари ҳудудлари
Финляндия	Аҳоли тарқоқ жойлашган ва аҳоли зичлиги паст бўлган ҳудудлар
Греция	Яшовчилар сони 2 минг кишидан кам бўлган аҳоли пунктлари ҳудудлари
Венгрия	Статистик кичик гуруҳлар (аҳоли сонига нисбатан)
Ирландия	Аҳоли сони 1500 кишидан кам бўлган шаҳарлар ва мамлакатнинг очиқ районлари
Италия	Аҳоли зичлиги ва сони кам, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган ҳудудлар
Люксембург	Аҳоли сони 1 км. кв.га 150 минг кишидан кам бўлган ва юқори аҳоли жойлашуви зичлигига эга бўлмаган ҳудудлар
Янги Зеландия	Яшовчилар сони 1 минг кишидан кам бўлган, шаҳар марказлари таъсиридан узоқда жойлашган аҳоли пунктлари
Испания	Яшовчилар сони 2 минг кишидан кам бўлган аҳоли пунктлари ҳудудлари
Швеция	Аҳоли жойларидан ташқаридаги ҳудудлар (қишлоқлараро ҳудудлар)
АҚШ	Урбанизациялашган ҳудудлар таркибига кирмаган, аҳоли сони 2500 кишидан кам бўлган аҳоли пунктлари ёки бошқа ҳудудлар
Чехия	Аниқ ривожланиш дастурининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади

– ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва касбий тузилмаси;

– маъмурий бирликлар замонавий бошқарувининг ташкил этилиши;

– хизматлар доирасининг ривожланиши, ижтимоий истеъмолнинг ташкил этилиши;

– саноат, транспорт тизими, қурилишнинг ривожланиш даражаси;

– одамларнинг ҳаёт тарзи, жой аҳолисига хос меъёр ва қадриятлар;[1]

– маъмурий бирликларнинг ижтимоий функциялари;

– шаҳар ёки қишлоқ сифатида маъмурий бирликка бўлган муносабат[2].

Қишлоқ жойлари хўжаликнинг асосий функционал тизимларининг мослашуви асосида шаклланадиган мураккаб ҳудудлар бўлиб, бу ҳудудлар табиий муҳит, аҳолининг жойлашиши билан ўзаро ҳаракатда шу билан бирга маълум бир ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлади.

Замонавий шароитда ишлаб чиқариш кучларининг ҳамда ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан қишлоқ жойи мураккаб табиий-хўжалик ҳудудий тизим сифатида юзага чиқади. Унинг ривожланиши табиий, иқтисодий, ижтимоий муҳитлар ва бошқарув органларининг ўзаро алоқасининг етилганлик даражаси билан аниқланади. Унинг учун:

– бутунлик (мақсадлар, функциялар, тузилма бирлиги);

– автономлик (яна ҳам тартибликка интилиш);

– барқарорлик (ички тузилманинг сақланиши ва ривожланиши);

– бошқарувнинг икки ўлчамлиги (умум район устуворликларни аниқлаш, марказнинг иқтисодий меъёрлари ва хўжалик субъектлари манфаатлари ҳамда аҳолининг маҳаллий ташаббуслари дифференциацияси) каби сифатлар хос[3].

Ўз навбатида, "қишлоқ" термини ердан фойдаланиш усулларидан, иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий ихтисосликдан қатъий назар ҳудудий акцентга эга. Қишлоқ ҳар доим ҳам маъмурий чегаралар ёки маълум бир иқтисодий сектор-

[1] Ускова Т.В. Теория и методология управления устойчивым социально-экономическом развитием региона: автореферат дис. док. эконом. наук. [Текст] Вологда, 2010. – 36 с.

[2] Зайцева О.О. Сельские территории как объект управления: понятие, функции, типологии // Фундаментальные исследования. 2013. №6 - 2. - С. 416-420.

[3] Роговская Н. В.Типология сельских территорий на региональном уровне. [Электрон. ресурс] / Н. В. Роговская. – Режим доступа: http://www.timacad.ru/conf_news/section2/Rogovskaya_ru.pdf.

нинг доираси билан мос келмаслиги сабабли улар тўғрисидаги статистик маълумотларни йиғишда қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда қишлоқ ҳудудлари Ўзбекистон Республикаси субъектларининг маъмурий чегаралари билан чегараланган. Шу сабабли, маъмурий бўлинишни ҳисобга олган ҳолда "қишлоқ ҳудудлари", "қишлоқ районлари" атамаларидан фойдаланилади.

"Қишлоқ жойлари" терминининг қўлланилиши устида баҳсли ёндашувлар мавжуд. В.М.Баутин ва В.В.Козловлар "қишлоқ жойлари" терминининг ўрнига, "шаҳар ҳудудлари" терминига монанд "қишлоқ ҳудудлари" терминининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ деган фикрни илгари сурадилар[1]. Хорижлик ва маҳаллий олимларнинг фикрларига кўра, сўзлар морфологиясини чуқурлаштирмасдан "қишлоқ жойлари" ва "қишлоқ ҳудудлари" терминларини бир хил мазмунни билдирувчи синонимлар сифатида қабул қилса бўлади.

А.В.Петриковнинг фикрига кўра, "қишлоқ жамиятнинг ижтимоий-ҳудудий тизимости тизими бўлиб, у ўзида қишлоқ аҳолиси, қишлоқ ҳаёт фаолияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар йиғиндисини қамраб олган ижтимоий-иқтисодий, ҳудудий, табиий ва тарихий-маданий мажмуани, шу билан бирга, ҳудудни ундаги моддий объектларни акс эттиради"[2].

Шундай қилиб, қишлоқ ҳудуди (қишлоқ жойлари)ни кўпгина олимлар шаҳардан ташқарида мавжуд бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари жойлашган ҳудуд ёки ҳудудлараро ҳудуд сифатида тушунадилар. Лекин бир қатор олимлар иқтисодиётнинг замонавий ривожланиш босқичида қишлоқ ҳудудини бир қанча функцияларга эга бўлган қишлоқ жойларининг, ҳудудлараро жойларнинг ўзига хос мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизими сифатида кўриш кераклигини таъкидлайдилар. Қишлоқ ҳудудларининг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири шуки улар кўпгина қулайликлар учун манба бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ ҳудудлари – бу инсон фаолияти ёрдамида ўзлаштирилган қишлоқ жойлари ва қишлоқлар аро ҳудудлар бўлиб, инсон ҳаёт фаолиятини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган шаҳар чегараларидан ташқаридаги ерлардир.

Қишлоқ жойлари деганда бир ёки бир нечта қишлоқ аҳоли пунктлари (қишлоқлар, овуллар, қишлоқ маҳаллалари, тоғ қишлоқлари) жойлашган, сайланган маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан бошқариладиган ҳудудларини тушуниш мумкин.

Қишлоқ жойларининг функциялари кўп қирралидир. Улар умуммиллий аҳамиятга молик бир қанча функцияларни бажаради: ишлаб чиқариш, демографик, меҳнат ресурслари, уй-жой, ҳудудий-коммуникация ва қишлоқ ҳудуди устидан ижтимоий назорат. Қуйидаги расмда (2-жадвал) бу функцияларнинг қисқача тавсифи келтирилган:

Қишлоқ жойи қишлоқлараро хўжаликка ва ижтимоий алоқаларга эга. Бу эса қишлоқ ҳудудини бюджетга эга бўлган ва ривожланиши учун молиявий оқимларни жалб қила оладиган ва мустақил ташкил эта оладиган хўжалик субъекти - маъмурий район (қишлоқ тумани) сифатида кўришни тақозо этади. Қишлоқ ҳудудида жойлашган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бозор шароитида ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда тармоқ ва хўжалик юритишнинг рационал тизими асосида маҳсулот ишлаб чиқариши (иш бажариши, хизмат кўрсатиши), такрор ишлаб чиқаришни таъминлаши шарт.

Қишлоқ ҳудудларининг ҳолати ва ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

Институционал омиллар. Қишлоқ ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни тартибга солиш, ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнига хизмат қилувчи ташкилотлар, муассасалар, қонунлар, меъёрлар, манбалар.

Табиий-географик омиллар. Қишлоқ аҳоли пунктлари жойлашган ҳудуд ва унинг атрофи муҳитининг географик хусусиятлари, қишлоқ ҳудудининг майдони, жойлашуви, табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари.

[1] Баутин В. М. Устойчивое развитие сельских территорий: сущность, термины и понятия / В. М. Баутин, В. В. Козлов // Информационный бюллетень / МСХ РФ, 2006. – № 3-4. – С.64–67.

[2] Петриков А. В. О проекте концепции устойчивого развития сельских территорий РФ на период до 2020 года / А. В. Петриков // Муниципальная Россия. – 2010. – № 1 (7). – С. 15–23.

2-жадвал. Қишлоқ ҳудудларининг функциялари[1]

Функциялар	Тавсифи
Ишлаб чиқариш	Жамият эҳтиёжини ва саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжини, ўрмон хўжалиги, балиқчилик ва бошқа ноқишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш
Демографик	Мамлакатнинг демографик салоҳиятини таъминлаш
Меҳнат ресурслари	Шаҳарларни қишлоқдан кетган ишчи кучи билан таъминлаш; шаҳар ташкилот ва корхоналарида меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисидан фойдаланиш
Уй-жой	Қишлоқ ҳудудларида шаҳарда даромадга эга фуқароларининг уй-жойларини жойлаштириш, қишлоқ ижтимоий ва инженерлик инфратузилмаси объектларидан фойдаланишга шароит яратиш
Ҳудудий-коммуникация	Йўлларни, электр узатиш линиялари, водопровод ва бошқа инженер коммуникация, алоқа воситаларини яратиш ва созлаш
Экологик	Бутун ҳудудда экологик мувозанатни қўллаб-қувватлаш, қўриқхоналарни сақлаш, чиқиндиларни сақлаб туриш
Маданий	Маданий-тарихий мерос ҳамда қишлоқ ҳаёти укладининг сақланиши
Рекреацион	Бўш вақт мазмунли ўтказиш ва дам олишни ташкил этишда маданий ландшафтдан, манзара ва туристик инфратузилмадан фойдаланиш
Сиёсий	Йирик шаҳар аҳолисига нисбатан қишлоқ аҳолисининг толерантлиги ва консервативлиги ҳисобига жамиятда турғунликни (мувозанатни) таъминлаш
Қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий назорати	Қишлоқ аҳоли пунктларида ижтимоий тартиб ва хавфсизликни таъминлашда давлат ҳокимияти органларига кўмак кўрсатиш

Агломерация омиллари. Қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарининг кооперациялашув ва комбинациялашув бўйича иқтисодий алоқаларининг зичлиги ва барқарорлиги; шаҳарлар орасида доимий равишда такрорланиб турувчи кунлик ёки ҳафталик меҳнат маятникларини юзага келтирадиган ўзаро боғлиқ аҳоли жойлашувлари; доимий такрорланиб турувчи маданий-маиший, рекреацион, маъмурий-сиёсий, ташкилий-хўжалик алоқаларининг мавжудлиги.

Иқтисодий омиллар. Ҳудуд ва унинг атрофидаги ишлаб чиқариш бирликлари ва уларнинг фаолияти.

Хўжалик омиллари. Қишлоқ ҳудудида амалга оширилаётган ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик фаолиятларида аҳолининг иштироки.

Демографик омиллар. Ҳудудда яшаётган аҳолининг сони, унинг ёш ва ижтимоий шаклланиши бўйича тавсифи, қишлоқ ҳудудида аҳолининг жойлашуви, оилалардаги тузилмавий ўзгаришлар.

Ижтимоий омиллар. Ҳудудда ижтимоий соҳанинг ривожланганлиги, ижтимоий хизматларнинг сифати, аҳоли даромадлари даражаси, бандлик ва ишсизлик масалалари.

Инфратузилма омиллари. Ҳудудда ижтимоий, инженер ва транспорт инфратузилмасининг ривожланганлиги.

Экологик омиллар. Ҳудудда мавжуд экологик муаммолар, ҳудудга таъсир кўрсатаётган экологик хавф, экологик таҳдид. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши.

Асосий натижалар.

Ўзбекистонда давлат сиёсати параметрларини аниқлаштириш мумкин бўлган, ҳудудларнинг ҳар бир турини ривожланиш кўрсаткичларини табақалаштириш имконини берувчи умумқабул қилинган қишлоқ ҳудудлари типологияси мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча, бу қишлоқнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа ҳаёт фаолияти доираларининг вазифаларини мажмуавий бажарилишини орқага тортаётган омил сифатида баҳоланади.

Одатда, қишлоқ ҳудудларининг иқтисодий асоси сифатида табиий ресурслардан фойдаланишга боғлиқ бўлган тармоқлар, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши

[1] Концепция устойчивого развития сельских территорий Российской Федерации на период до 2020 г. [Электронный ресурс] Сетевой адрес: http://www.mcx.ru/

ҳисобланади, ривожланган давлатларнинг давлат сиёсати тармоқ ёндашувига асосланар эди. Шу муносабат билан қишлоқ ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бир-бирини тақозо қилувчи деб қабул қилинган. Охирги вақтларга келиб, ривожланган давлатларда қишлоқ ҳудудларига нисбатан ёндашув ўзгарди. Бу давлатларда энди қишлоқ ҳудудларида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг асосий сектори сифатида қаралмайди. Бугунги кунда ЕИ ва АҚШда давлат сиёсати бевосита товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни қисқартирган ҳолда ҳудудий ёндашувга эътиборини қаратмоқда.

Замонавий шароитда қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш нафақат ҳудудларда қишлоқ хўжалигини ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларини ташкил этиш ҳамда юритишнинг ижтимоий-иқтисодий, экологик мезонларини қамраб олади, балки қишлоқ ҳаёт тизими марказида турган қишлоқ яшовчисининг эҳтиёж ва манфаатларини шу билан бирга қишлоқ аҳолиси ҳаёт сифатини оширишни ҳам билдиради.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, миллий амалиётда қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришнинг моҳиятини очиб берувчи ёндашувлар етарлича шакллантирилмаган. Шу сабабли қишлоқ ҳудуди терминининг мазмунини очиб берувчи умумқабул қилинган таъриф мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча, яқин келажакда янги кўп мезонли илмий йўналишни шакллантириш, унда қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш сиёсатини шакллантиришга асос сифатида хизмат қилувчи терминология қонунлар билан мустаҳкамланиши лозим.

Шу билан бирга бугунги кунда қишлоқ ҳаёт тарзи жозибадорлигини ошириш учун қишлоққа аграр маҳсулотлар манбаи сифатида қарайдиган иқтисодий детерминизмдан воз кечиш лозим. Айни вақтда қишлоққа аҳоли истиқомат қиладиган, инсон капитали шаклланадиган ва ривожланадиган ҳудуд сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиёт:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5853-сон Фармони. - https://lex.uz/docs/4567334
2. Назарова Ф.У. Основные направления развития сельских территорий Узбекистана // Экономика и предпринимательство. – М.: 2019. – №10. – С.518-521.
3. Ускова Т.В. Теория и методология управления устойчивым социально-экономическом развитием региона: автореферат дис. док. эконом. наук. [Текст] - Вологда, 2010. – С.36.
4. Ломакин А. А. Стратегия устойчивого развития сельских территорий : на материалах Пензенской области : дис ... канд. экон. наук / А. А. Ломакин. – Пенза, 2011. – 202 с.
5. Ковалев С. А. Типология и районирование сельского расселения [Электрон. ресурс] / С. А. Ковалев. – Режим доступа: http://www.demoscope.ru/weekly/ 2006/0255/aNºalit08.php
6. Зайцева О.О. Сельские территории как объект управления: понятие, функции, типологии // Фундаментальные исследования. 2013. №6- 2. - С.416-420.
7. Роговская Н. В. Типология сельских территорий на региональном уровне. [Электрон. ресурс] / Н. В. Роговская. – Режим доступа: http://www.timacad.ru/conf_news/section2/Rogovskaya_ru.pdf
8. Баутин В. М. Устойчивое развитие сельских территорий: сущность, термины и понятия / В. М. Баутин, В. В. Козлов // Информационный бюллетень / МСХ РФ, 2006. – № 3-4. – С.64–67.
9. Петриков А. В. О проекте концепции устойчивого развития сельских территорий РФ на период до 2020 года / А. В. Петриков // Муниципальная Россия. – 2010. – № 1 (7). – С. 15–23.
10. Концепция устойчивого развития сельских территорий Российской Федерации на период до 2020 г. [Электронный ресурс] Сетевой адрес: http://www.mcx.ru/
11. Trends In Rural Policy Making And Institutional Frameworks. OECD. 1999